

Неъматулло МУХАМЕДОВ

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси мудири, тарих фанлари доктори

ШАЙХ ХОВАНД ТАХУР ЗИЁРАТГОҲИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ТУТГАН ЎРНИ

РОЛЬ МЕМОРИАЛЬНОГО КОМПЛЕКСА ШЕЙХ ХОВАНД ТАХУР В ИСЛАМСКОЙ КУЛЬТУРЕ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

THE ROLE OF THE MEMORIAL COMPLEX OF SHEIKH HOVAND TAHUR IN ISLAMIC CULTURE OF CENTRAL ASIA

Аннотация: Ушбу мақолада Шайх Умар Боғистонийнинг (XIII-XIV аср) ўғли Шайх Хованд Тахур (XIV аср) ҳаёти ва фаолияти ўрта аср қўлёзма манбалари асосида тадқиқ этилган. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуасидаги мақбара, масжид каби турли маданий иншоотлар қисқача тарихи баён этилган. Муҳими, Шайх Хованд Тахур мажмуасининг минтақа ислом маданиятида ўзига хос ўрин тутиши манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: шайх, Умар Валий, Хованд Тоҳур, Боғистон, Шош, Тошкент, ислом маданияти, сўфи, мулла, мусулмон, комил инсон, зиёратгоҳ, мақбара, масжид.

Аннотация: В данной статье на основе рукописных источников изучены деятельность Шейх Хованд Тахура (XIV век). Кроме того, предлагается информация об истории мечети, мавзолея и других культурных сооружений Мемориального комплекса Шейх Хованд Тахура. А также исследована роль мемориального комплекса Шейх Хованд Тахур в исламской культуре Центральной Азии.

Ключевые слова: Шейх, Умар Вали, Хованд Тахур, Багистан, Шаш, Ташкент, исламская культура, суфи, мулла, мусульманин,

совершенная личность, мемориальный комплекс, мавзолей, мечеть.

Abstract: In this article, based on medieval sources studied activity of well-known representatives of Sufism Sheikh Hovand Tahur (XIV). In addition, given information on the history of the mosque, mausoleum and other cultural buildings of the Sheikh Hovand Tahur Memorial Complex. Also investigated the role of the memorial complex of Sheikh Hovand Tahur in the Islamic culture of Central Asia.

Keywords: Sheikh, Umar Vali, Hovand Tahur, Bagistan, Shash, Tashkent, Islamic culture, Sufi, mullah, Muslim, perfect person, memorial complex, mausoleum, mosque.

Тошкент музофотида кўплаб зиёратгоҳлар ва тарихий ёдгорликлар жойлашган. Хусусан, Тошкентда Шайх Хованд Тахур, Занги ота, Хожа Аъламбардор, Юнусхон мақбаралари ҳамда Мўйи Муборак, Бароқхон, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари, шунингдек, Тилла Шайх, Намозгоҳ, Хожа Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ ислом маданиятининг кўплаб тарихий обидалари мавжуд.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент шаҳри тўрт даҳага бўлинган. Манбаларда қайд этилишича, шимолий даҳа – Қафқол Шоший, жанубийси – Зангиота, шарқийси – Шайхонтахур ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан эътироф этилган. Бироқ шаҳар аҳли ўртасида эса улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтахур ва Кўкча деб юритилган.

Тошкентнинг энг катта даҳаларидан бири Шайх Хованд Тахур (ҳозирда Тошкентдаги туманлардан бири Шайхонтахур дейилади) номи билан аталади ва унинг мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси XIV асрда яшаган мутасаввиф олим Шайх Хованд Тахур номи билан боғлиқдир. Шайх Хованд Тахур XIII аср охирида (тахминан 1280-1290 йиллар) ҳозирги Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Боғистон қишлоғида ўз даврининг тасаввуф илми пешволаридан бири саналган Шайх Умар Боғистоний хонадонидан таваллуд топган. Онаси томонидан бобоси мавлоно Тожиддин Дарғамий ҳам кўзга кўринган дин пешволаридан эди.

Шайх Хованд Тахурнинг дунёга келишлари ва исмлари ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Шундай ривоятлардан бирини XVII асрда яшаб ўтган олим Шайх ас-Сиддикий (ваф. 1087/1676) «Ламаҳот мин нафаҳот ал-қудс» асарида шундай келтиради: *«Шайх Зайниддин Қўйиорифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг мазоримизни зиёрат қилиб, шу ерда Яратгандан фарзанд тиласа, албатта ниятига етгусидир»*.

Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлдошлари билан Шайх Зайниддиннинг мазорларига зиёратга келиб, қабрлари олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақт-соати келиб Аллоҳ таолонинг инояти билан улар фарзандли бўлишади. Шайх Умар уни Шайх Зайниддин мазорларига олиб борадилар. У ерда кабутарлар чакалоқни кўриб «ат-тахур, ат-тахур» деб сайрай бошлашади. Шайх Умар буни туғилган ўғлига башорат деб билади ва чакалоққа “Тахур” дея исм қўяди.

Мазкур тарихий воқеани рус шарқшуноси А.Семенов 1914 ва 1916 йиллари ёзган мақолаларида ҳам таъкидлаган. Шайх Умар чакалоқни Зайниддин мақбарасига олиб келганда, бу ерда юрган бир тўда кабутарлар ҳавога кўтарилади ва уларнинг учиши, овозидан “тахур” сўзи кулоққа чалинади. Шайх Умар ўғлига қўйган Хованд исми ёнига Тахурни ҳам қўшади. Хованд сўзи “худованд” сўзининг қисқартмаси бўлиб, художўй деган маънони англатади. *Шайх Хованд Тахур исмидаги калималар: «Хованд— «художўй, ходим»; Тахур — «ниҳоятда пок» дегани бўлиб, «ниҳоятда покиза ходим» ёки «ниҳоятда покиза ҳазрат» маъноларини ҳам англатади.*

Ўрта аср тарихчиси Фахриддин Али Сафий Шайх Хованд Тахур ҳақида “...ўз отасининг тарбияти ва иноятининг сояси остида валоят аҳлининг олий даражасига етишди...” [3, 11] деб ёзган. *“Рашаҳот” асарида ёзилишича, Шайх Умар Валий Боғистоний камтарона ҳаёт кечириши билан одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик ишлари билан шугулланган ва ўз касб-коридан ҳалол тирикчилик қилган. У катта мулла ёки катта сўфий бўлишни ўзига шараф деб билмаган ва шухрат орқасидан қувмаган: оддий, бироқ ҳақиқий инсон бўлишга интилганки, биз буни ўғли Хованд Тахурга қилган насиҳатидан кўраимиз.*

Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» китобида унинг ўз ўғли Хованд Тахурга айтган куйидаги сўзларини келтиради: *«Тахур, мулла бўлма, сўфи бўлма, у бўлма, бу бўлма, мусулмон бўл»* [8, 271]. Шайх Умар Валий Боғистонийнинг ушбу сўзлари айниқса, ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. *Ушбу насиҳат ўлароқ Шайх Хованд Тахур соҳиб каромат шайхлар орасида юксак мақомга эришган.*

Шайх Умар Боғистонийнинг бирор бир асар ёки китоб битганлари ҳақида маълумот йўқ. Лекин у зотнинг ҳикматли сўзлари ёзма ва оғзаки ҳолда сақланиб қолган.

Шайх Хованд Тахур аввал отасидан шариат ва тариқат билимларини ўрганади, мадрасада ўқийди. Кейинроқ билимини чуқурлаштириш мақсадида Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган Тенгиз Шайх олдида Туркистонга боради. Сўнг, Шайх Хованд Тахур Бухорога йўл олади. У ерда ўша даврнинг машҳур олимлари билан мулоқотда бўлади ва Хожагон тариқати ҳақида билимларни чуқур эгаллайди. Бухородан Тошкентга қайтиб келиб, бу ерда отаси каби одамларга илму маърифат, дину диёнатни ўргатади. Отаси каби ҳалол меҳнат қилиб деҳқончилик, боғдорчилик билан шугулланади. Ҳозирда Шайх Хованд Тахур мақбараси мавжуд бўлган ҳудудда унинг ўзи бир қанча дарахтлар, набототлар эккани ва у ерларни кўкаламзорлаштиргани, шу билан қадим Тошкентнинг янада обод бўлишига ҳисса қўшгани ривоятларда келтирилади.

Шайх Хованд Тахур камтарона турмуш тарзи билан инсонларга ибрат намунаси бўлиш билан бирга қатор асарлар ҳам яратган. *«Рисола дар масойили шариат ва тариқат»* («Шариат ва тариқат масалалари ҳақидаги рисола»), *«Рисолаи даҳ шарт»* («Ўнта шарт ҳақида рисола»), *«Рисола дар аркони ислом»* («Ислом арконлари ҳақида рисола»), *«Рисола дар одоби тариқат»* («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлар унинг қаламига мансуб нодир манбалар ҳисобланади. Уларда ислом арконлари, инсоннинг покланиши ва камолга етиши, шариат ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари баён этилган.

Шайх Хованд Тахур ҳақидаги маълумотлар бир неча манбаларда учрайди. Улардан XV ва XVII аср бошларида битилган Сайид Абдулаввалнинг *«Масмуот»* («Эшитилганлар»),

Муҳаммад Қозининг «*Силсилат ул-орифин*» («Орифлар силсиласи»), Али Сафийнинг «*Рашиҳот айнил-ҳаёт*» («Ҳаёт чашмасининг катралари»), Шайх Сиддикийнинг «*Ламаҳот мин нафаҳотил-қудс*» («Табаррук шабадалардан лаҳзалар»). Булардан ташқари XIX асрда номаълум муаллифнинг икки бетдан иборат рисоласи ҳамда Муҳаммадҷон Ўразаевнинг «Ҳазрати Шайх Хованд Таҳур» номли бир бетли, ўзбек тилидаги маълумотлари ҳам мавжуд. 1915 йилда эса, А.А.Семенов «Тошкентлик Шайх Хованд Таҳур ва унга нисбат бериладиган кулоҳ» номли мақолани ҳам нашр эттирган.

XX асрнинг ўрталарида академик М.Е.Массон «Шайх Хованд Таҳур» ёдгорлик мажмуасида тадқиқотлар олиб борган ва ўзининг китобида Шайх Хованд Таҳур ва шу ном билан аталувчи ёдгорлик мажмуаси ҳақида маълумотлар берган. Ўзбек архитектори Абдуҷаббор Яҳёев ҳам мажмуадаги ёдгорлик биноларини ўрганиб мақолалар ёзган.

XIX асрда Шайхонтахур Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири бўлган Шайхонтахур жанубдан Бешёғоч, Ғарбдан Кўкча, шимолдан Себзор билан чегараланган. Бу тўртала даҳа ҳам мингбошилар ёрдамида бошқарилган. XIX аср ўрталарида Шайхонтахурда учта дарвоза (Кўймас, Кўкон, Қашғар) 48 та маҳалла, 70 та масжид, 3 та мадраса бўлганлиги энциклопедик китобларда айтилган [6, 398].

Шайх Хованд Таҳур макбараси атрофининг ободонлашиб, кенгайиши бевосита Хожа Аҳрор фаолияти йилларига тўғри келади. Муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Шайх Хованд Таҳур макбарасининг шимол тарафидан суви жуда мазали ариқ оқиб ўтган. Ариқ бўйидаги бир туп чинор одамлар дам оладиган жой бўлиб, айрим беморлар шу чинор остига келиб, ният қилган ҳолда ариқдан сув ичганлар. Шайх Хованди Таҳур қабри атрофи катта қабристон бўлиб, макбара гумбазининг ғарб томонида, яъни қабристоннинг ўртасида бир неча хоналар ва ичида гумбаздан иборат пишиқ ғиштдан қурилган чиллаҳона бўлган. Мазкур гумбазни Шайх Хованди Таҳурнинг набираси Хожа Аҳрор бино қилдириб, унинг ўртасига бир тош лавҳ ўрнатган. Ўша пайтларда Шайх Хованди Таҳур макбарасидан то қабристонгача икки томони сарв дарахтли хиёбон бўлган [4, 174-175].

Бу ердаги масжиднинг Хожа Аҳрор тарафидан икки бор таъмирлангани хусусида «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил ёзилган. Жумладан, муаллиф шаҳардаги Эшонқули додхоҳ мадрасаси қурилиши ҳақида тўхталганда шундай ёзади: «Сигир йилида (1256/1839-1840 йил) Эшонқули додхоҳ (*Эшонқули Додхоҳ – Тошкент ҳокими Лашкар бекларбегининг тўнғич ўғли. Отаси Тошкентда ҳоким бўлиб турган йиллари Туркистонда ҳокимлик қилган. Тошкент шаҳрида Юнусхон мазори яқинида ўз ҳисобидан мадраса қурдирган*) ушбу [Шайхонтахур] даҳасида бир мадраса бино қилдики, унинг жойлашган ўрни олдин бир таноб шаръий келадиган ҳовуз бўлиб, Хожа Аҳрор Валий унинг тўрт томонини жомеъ масжид ва ийдгоҳ қилган эди. Лекин [масжиднинг асл] иморати Шайх Хованд Таҳур асрида [бино бўлган] эди. Улардан сўнг Хожа Аҳрор икки марта таъмирлаган. Ҳовузнинг ғарб томони бутунлай хонақоҳ ва унинг олди айвон эди. Ҳовузнинг қолган уч томони эса бутунлай айвон бўлиб, устунлари ва тўсинлари шамшод дарахтидан, устунлари остига эса Ҳазрат Нурота тоғларидан келтирилган мрамартошлар қўйилган эди. Юнусхон подшоҳ [макбараси] гумбази қулаган зилзилада [1245/1829-1830 йил] жомеъ масжид ва [унинг] тўрт томонидаги иморатлар ҳам вайрон бўлган эди [5, 38].

Эшонқули додхоҳ мадрасаси. Ушбу мадраса «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида батафсил таъриф ва тавсифланган. Мадраса бинолари тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган, ўртада қолган бир таноблик қадимий Лангар ҳовузи Эшонқули додхоҳ буйруғи билан текисланиб, саҳнга айлантирилган

Юнусхон мадрасаси чорбоғида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Лашкар Бегларбеги Кайковус ариғига иккита тегирмон қурдириб, уларнинг даромадини шу мадрасага вақф қилган.

Ушбу билим юртининг қурилиши XIX асрнинг 40-йилларида бошланган, лекин ўша пайтда охирига етказилмаган. У кейинчалик 34 хужрали қилиб, қуриб битказилди. Бу хужралар одатда анча тор ва қоронғи бўлиб, мадрасанинг шарқ томонида ўймакор ва нақшинкор эшиклари бўлган. Мадрасага кўплаб дўконлар, тегирмонлар ва бошқалар вақф қилингани сабабли у молиявий жихатдан яхши таъминланган эди.

Мазкур билим юрти даргоҳидан 1884 йилда рус-тузем мактаби, шўролар даврида киностудия сифатида фойдаланилган ва 1924 йилда умуман ёпиб қўйилган. 1964 йилга келиб, қаровсиз қолган мадраса бутунлай бузиб ташланган. Дарвоза ҳам зилзиладан қаттиқ шикастлангач, шаҳарни қайта қуриш ва кўчани кенгайтириш пайтида бузилган [1, 19].

Қалдирғочбий мақбараси. Қалдирғочбий мақбараси Тошкент шаҳридаги Шайхонтоҳур зиёратгоҳи таркибидаги тарихий-меъморий обидадир. Қалдирғочбий мақбарасига дафн этилган шахс ва обиданинг бунёд этилиши ҳақида турли маълумотлар мавжуд. Бу ерда олиб борилган ўрганишлар мақбаранинг XV асрда қурилганини кўрсатади.

Мақбара катта яхлит хонадан иборат. Гумбази чодирсимон (пирамидасимон) шаклда бўлиб, меъморий услубига кўра обидаридан ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Қалдирғочбий шахсияти ҳақида муаллифлар бир қанча маълумотларни бериб ўтганлар. Муҳаммад Солиххўжанинг маълумотиغا кўра, у машҳур Дашти-қипчоқ шахзодаси Қалдирғочбий бўлиб, мутасаввиф олим Шайх Умар Боғистонийнинг издош (мурид)ларидан бири бўлган. Қалдирғочбий умрини тоату ибодатда ўтказган. Шайх Умар авлодларига ихлоси баландлиги сабабли ўзини Шайх Хованд Таҳур ёнига дафн этилишини васият қилади. Шу тарзда мажмуа ҳудудида Қалдирғочбий ёдгорлиги вужудга келади.

Маълумотларга кўра, Қалдирғочбий Сирдарё ортида яшовчи Жета қабиласига мансуб Қалдирғоч лақабли аслзода киши. Халқ ривоятига қараганда, у мақбара ҳудудида ўзига чодир қурдирган. Орадан бир оз вақт ўтгач, қалдирғочлар чодир устига ин қуради. Ушбу аслзода қалдирғоч болаларини учирма қилмагунича чодирни буздирмай, сақлаб қолади. Қалдирғочларга кўрсатган меҳри учун ҳам шу ном билан машҳур бўлган дейилади. Ушбу ривоятларга асосан, одамлар мақбарани “Қалдирғочбой” ва “Қалдирғочбий” номлари билан атаб келганлар.

Тадқиқотчилар Қалдирғочбий шахсини Толе би (1663-1756) номи билан атаб, уни Жамбул вилоятида туғилган уйсун улусига мансуб бийлардан эканини таъкидлайдилар. Толе бининг машҳур бўлишига сабаб қозок

халқини қўшни халқлардан ўрнак олиб ерни ўзлаштиришга, кўчманчи ҳаёт ўрнига ўтроқ умр кечиришга даъват этгани бўлди.

Қалдирғочбий мақбараси илк бор 1912 йилда таъмирланган. Мақбаранинг ташқи гумбази, унинг остидаги думалоқ қисми қайта қурилган.

Шўролар даврида мақбара турли мақсадларда фойдаланилган. Дастлаб устакхона, кейинчалик, омборхона бўлган. Мустақиллик йилларида эса мақбара қайта таъмирланиб, сўлим зиёратгоҳга айлантирилди.

Аврат масжиди. Шайх Хованд Таҳур мақбараси билан Қалдирғочбий мақбараси ўртасида “Аврат” масжиди бўлиб, у 1873 йилда қурилган эди. Унинг қурилиши 1908-1910 йиллар мобайнида наманганлик Ҳожимат эшон томонидан ниҳоясига етказилади, айвон қурилади ва масжид иккала мақбарага етиб турадиган даражада қилиб битказилади. Масжид 1966 йилги зилзилада қаттиқ шикастлангач, бузиб ташланган.

Масжиднинг ҳовлисида, шарқ томонда катта бўлмаган минора ҳам бўлган. Ҳожимат эшоннинг ўзи ҳам шу ерда дафн қилинган. У ўзини Қалдирғочбий авлодидан ҳисоблаган [1, 23].

Шайх Хованд Таҳур мақбараси. *Шайх Хованд Таҳур милодий 1355 йилда вафот этган ва Тошкент шаҳрида дафн қилинган. Унинг қабри устига XV аср бошларида Хожа Аҳрор Валий томонидан мақбара қурилган.*

Шайх Хованд Таҳур мақбараси икки хонадан иборат. Биринчи хонада Шайх Хованд Таҳурнинг қабри жойлашган. Бу қабр усти шўролар инқилобига қадар қабрпўшлар билан ёпиб қўйилар эди. Қабрнинг олд томонида сарв дарахти бўлиб, ҳозирги кунда у қуриб қолган. Хожа Аҳрор Валий томонидан қурдирилган мақбара ёмон ҳолга келиб, бузилиб кетгач, XVI асрда олдинги пойдевор устига қайта мақбара қурилади.

Иккинчи хилхонада ўзларини Шайх Хованд Таҳур авлодидан ҳисоблаган XVIII асрнинг иккинчи ярмида Тошкент ҳокимлари бўлган Юнусхўжа ва унинг ўғли Султонхўжаларнинг қабрлари мавжуд.

1910-1912 йилларда мақбара наманганлик Ҳожимат эшон маблағи эвазига қайта таъмирланган, гумбази темир билан қопланган.

Мазкур мақбара масжид, мадраса, чиллахона, қабристондан иборат бўлган ва зилзилалар натижасида бузилиб кетган ёдгорлик мажмуасининг бир қисми ҳисобланади. *Юртимиз мустақилликка эришгач, 1996 ва 2009 йилда мақбара қайта таъмирланган.*

Умуман олганда, мазкур зиёратгоҳ Тошкентнинг энг эътиборли марказларидан бири бўлган. Ёдгорлик мажмуасига кирувчи кўплаб бинолар XX асрнинг ўрталаригача сақланиб келинган, лекин кейинроқ Тошкентдаги зилзиладан сўнг эътиборсиз қолган ёдгорликларнинг аксарияти бузиб ташланган ва ўрнига бошқа иншоотлар барпо қилинган. XX аср ярмигача мажмуада қуйидаги обидалар мавжуд бўлган:

– Жанубий қисмда: дарвозахона, «Эшон-кули додҳоҳ» мадрасаси ва «Занжирлик» масжиди;

– Марказда: «Лангар» ҳовузи, иккинчи дарвозахона ва чиллахона;

– Шимоли-шарқда: «Шайх Хованд Тахур» мақбараси, зиёратхона, «Аврат» масжиди, «Қалдирғочбий», «Кўк йўтал» ота мақбаралари;

– Шимоли-ғарбда: «Юнусхон» хонақоси, «Юнусхон» мадрасаси, «Ғариббой» ва «Саидазимбой» масжидлари, «Қабз ота» мақбараси, минора.

Ҳозирги кунда Шайх Хованд Тахур, Юнусхон ва Қалдирғочбий мақбаралари сақланиб қолган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида жойлашган Шайх Хованд Тахур мақбараси муқаддас зиёратгоҳга айланган. Ушбу ёдгорлик мажмуаси асрлар давомида Марказий Осиёдан ташриф буюрувчи зиёратчилар билан гавжумдир. Зеро, ушбу минтақа аҳолиси доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас кадамжолар, руҳий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари саналади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Исломов З., Максудов Д. Шайх Хованд Тахур ёдгорлик мажмуаси. -Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015.
2. Мавлоно Муҳаммад Қози. “Силсилат ул-орифин ва тазкират ус-сиддиқин”. ЎзР ФА Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фонди. Қўлёзма № 6114.
3. Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева. Шайх Хованди Тахур. -Т.: 2004.
4. Султонов Ў. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари . –Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
5. Султонов Ў. Тошкент масжидлари тарихи. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2010.
6. Тошкент. Энциклопедия. -Т.: 1984.
7. Тошкент атрофлари бўйлаб – По окрестностям Ташкента – Round outskirts of town Tashkent / Составители: В. Артемьев, А.Урманова при участии Н.Нижевской, В. Газиева. – Т.: Ташкентбошпланлити, 2012.
8. Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил-ҳаёт (Оби ҳаёт томчилари) / Нашрга тайёрловчилар М. Ҳасаний ва Б. Умрзоқ. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2004.